



YOSHLAR OVOZI

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI HUZURIDA MUTAHASSISLARNI HORIJDA TAYERLASH VA VATANDOHLAR BILAN MUHOJOT QILISH BUYICHA "ЭЛ-ЮРТ УМИДИ" ЖАМГАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎГРИСИДА

Хорижда яшаётган ва профессионал фаолиятини юритаётган ватандошларимиз, аynиқса, катта илмий салоҳиятга эга олимлар, мутахассислар ва истеъодли ёшлар билан яқин ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун зарур, жаҳон меҳнат бозорига рақобатбардор ва юқори малакали мутахассисларни ҳам етакчи хорижий таълим муассасаларида, ҳам Ўзбекистонда тайёрлаш ва малакасини ошириш орқали шундай кадрлар билан таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қoшидаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан муҳоҷот қилиш маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан муҳоҷот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) этиб қайта ташкил этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма Хорижда стипендиаларнинг малака ошириши, стажировкаси ва ўқитишни ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъод" жамғармасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вoрис ҳисобланади.

3. Қўйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

хориждаги нуфузли илмий-тадқиқот, таълим ва табибейт муассасаларида, иқтисодиётнинг бошқа истиқболли тармоқларида, аynиқса, энг янги материаллар ва инновацион технологияларни ишлаб чиқариш ва қўллаш соҳаларида ишлаётган, қимматли илмий ва амалий тажрибага эга ватандошларимиз билан алоқалар ўрнатиш;

давлат органларининг кадрлар бўйича хизматлари томонидан фойдаланилиши ва онлайн тарзда излаш амалга оширилиши мумкин бўлган жаҳон мамлакатлари ва мутахассисликлар бўйича каталоглаштирилган қимматли илмий ва амалий тажрибага эга ватандошларининг электрон реестри (маълумотлар базасини) яратиш ва юритиш;

хорижий олимлар, ўқитувчилар, муҳандислар ва бошқа мутахассислар, шу жумладан, ватандошларни таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳаларига, аynиқса, янги, истиқболли тармоқларга жалб этиш, улар учун қўлай шароитлар яратиш, долзарб муаммоларини ҳал этиш, уларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича тақдирлар ишлаб чиқиш ва тадбирларни амалга ошириш;

таълим, соғлиқни сақлаш ва иқтисодиёт соҳаларида ишлаётган ватандошлар орасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантириш, Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш масалалари бўйича уларнинг гоя ва фикрларини тўплаш, умумлаштириш ва тегишли ташкилотларга етказиш, шунингдек, тўпланган материалларни тайёрлаш ва тарқатишнинг самарали тизimini яратиш;

хорижда Ўзбекистоннинг ижобий имиджини шакллантириш ва қўллаб-қувватлашда, шунингдек, ривожланиш мамлакатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасаларида магистратура ва докторантура дастурлари бўйича танлов ўтказиш ва тайёргарликни, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳаларида истиқболли мутахассислар, шу жумладан, педагоглар ва илмий кадрлар учун малака оширишни ва стажировкадан ўтишни ташкил этиш;

нуфузли хорижий таълим ва илмий муассасаларда истиқболли мутахассисларни ўқитишни мониторинг қилиш, уларнинг Ўзбекистонда муносиб ишга жойлашишига кўмаклашиш, ушбу мутахассисларнинг меҳнат фаолиятини мониторинг қилиш, уларнинг касбий жиҳатдан ўсишига ва мансаб пиллапояларида кўтарилишига кўмаклашиш;

ҳам мамлакатимиз, ҳам хорижий экспертларнинг, шу жумладан, ватандошларимизнинг Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларнинг боришига оид таҳлилий материалларни чоп этиладиган журналлар, илмий тўпламларни тайёрлаш ва кенг тарқатиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда ишлар ҳолатини мониторинг қилиш ҳамда кадрларни хорижда тайёрлаш ва хорижий мутахассисларни жалб этиш тизimini такомиллаштириш бўйича тақдирлар ишлаб чиқиш;

таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт, давлат бошқаруви соҳаларида халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатларнинг давлат тузилмалари ва нодавлат ташкилотлари билан алоқаларни йўлга қўйиш, уларни ҳамкорлик ва ривожланиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш.

4. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан муҳоҷот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси тўғрисидаги низоом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан муҳоҷот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси Вазирлик кенгаши таркиби 2-иловага мувофиқ;

Хорижда таълим олиш, стажировка ўташ ва малака ошириш учун номзодларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низоом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

Жамғармага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимга тайинланадиган директор раҳбарлик қилади;

Жамғарма директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, маънавий, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитларига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига, унинг ўринбосарлари эса вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

Жамғарма ходимларига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидаги тегишли лавозимлар учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш миқдорлари ва шароитлари таъбиқ этилади;

Жамғарма ходимларига улар ишининг ҳажми ва самарадорлигидан келиб чиққан ҳолда директор қарорига асосан лавозим маошларининг 100 фоизигача миқдорини оилавий устима белгиланади.

6. Жамғарма директори:

Жамғарма тузилмасига, зарур ҳолларда, ходимларнинг белгиланган сон ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартириш киритиш;

Жамғармага юклатилган вазифаларни бажаришга давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, шунингдек, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг малакали ишчи ва мутахассисларини шартнома асосида жалб этиш ҳуқуқини берилсин.

(Давоми 2-саҳифада)

КИТОБЛАР ВА БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ



Табобат илми султони Абу Али Ибн Сино бeтoбeтган Бухоро амири Нух ибн Мансурни даволайди. Эвазига уни қандай муқофотлаш ҳақида сўралганида, бoбoмиз фақат сарой кутубхонасидан фойдаланишни илтимос қилган экан. Дарҳақиқат, китоб энг содиқ дўст, бебаҳо хазинадир. Юртимизда ёшларни китобхонликка кенг жалб қилинаётганининг бoси ҳам шундан.

Мана масалан, яқиндагина барча худауларда "Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажак!" широри остида "Болалар китоби" республика фе-

вали ўтказилди. Лойиҳанинг ташаббускорлари — Матбуот ва ахборот агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

Ажойиб байрам бўлганда узям. Болажонларнинг хурсандлигини айтмайсизми. Етакчи нашриётлар томонидан чоп этилган бадиий асарлар, энциклопедик адабиётлар кўргазмаси истисносиз ҳаммага манзур бўлди. Китоблар арзон нархларда сотилди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида болалар

шоирлари — Раим Фарҳодия ва Дилшод Ражаб билан учрашувлар ҳам ўтказилди. Улуғ шоир Алишер Навоий ижодига бағишланган викторина, таниқли ёзувчи Жоанна Роулингнинг "Гарри Поттер" асари юзасидан ташкил этилган квест-ўйинида ўқувчи-ёшлар бажонидил иштирок этди.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги болалар кутубхонаси жамоаси тайёрлаган "Китобхонларни кўтлаймиз!" театралаштирилган концерт дастури эса, меҳмонларга унутилмас охирини ҳаёда этди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида болалар

ЎЗБЕКISTON PREZIDENTINING MDX SAMMITIDA ISHTIROKIGA DOIР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 27-28 сентябрь кунлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстилиги Давлат раҳбарлари кенгашининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатаги мажлисида иштирок этди.

Саммит кун тартибидан турли соҳалардаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг жорий ҳолати ва истиқболларига доир кенг қуламли масалалар ўрин олган.

Шунингдек, давлат раҳбарлари 2019 йилда МДҲга раислик қиладиган давлатни, МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатаги мажлисини ўтказиш жойи ва муддатини белгилаш масаласини кўриб чиқди, минтақавий ва халқаро сўбсатнинг долзарб муаммолари юзасидан фикр алмашди.

Мажлис якунида қатор салмоқли ҳужжатлар, жумла-

дан, МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг 1948 йил 10 декабрдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 70 йиллиги муносабати билан баёноти, 1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш бўйича асосий тадбирлар режаси, 2019 – 2023 йилларга мўлжалланган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳамкорликдаги сай-ҳаракатлар давлатлараро дастури, Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг ташрифи доирасида Душанбе шаҳрида икки томонлама қатор учрашувлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

ЎЗА

YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA



Каттақўрғон шаҳрида 32 та ёш оилага замонавий усулда барпо этилган уйлارнинг қалитлари топирилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тантанали маросимда шаҳар ҳокими Музаффар Ҳошимов, Ёшлар иттифоқи ва бошқа ташкилотлар мутасаддилари иштирок этиб, хонадон

соҳибларини самимий муборакбод этди. Янги уй-жойлар ёшларга жуда қўлай шартларда, имтиёзли кредит асосида тақдим этилаётгани давлатимиз олиб бораётган инсонпарварлик сиёсатининг ёрқин намунаси, дея эътироф этилди.

Гулноза АМИРОВА

ЭЪТИРОФГА ЛОЙИҚЛАР



Ўзбекистон ёшлар иттифоқи жорий йилда ёшлон қилинган қисқа метражли фильмлар ва видеороликлар, ижодкорлар учун "Изоҳ", шунингдек, "Ёш кўшқ ижрочилари" республика танловлари ғолибларини тақдирлади.

130 нафардан зиёд киноҳаваскор қатнашган илк танлов якунига кўра, қисқа метражли фильмлар йўналиши бўйича 1-ўринга Шокир Холиқовнинг "Чой", ижтимоий роликлар номинациясида эса, Раъшан Нурмухаммедовнинг "Ёш тадбиркор" ҳамда Нурмухаммед Жумагуловнинг "Келажак

эгасининг илтимоси" деб номланган медиа маҳсулотлари муносиб топилди.

"Изоҳ" танловининг назм йўналишида ғолиблик Термиз давлат университети талабаси Нарғиза Одинаевага, насрада Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ходими Жавлон Жовлиевага насиб этди.

"Ёш кўшқ ижрочилари" фестивалининг Гран-При соҳибни Комила Амировага Президент соврини — 5 миллион сўм миқдорда пул муқофоти топширилди.

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

МУАММОЛАР ЧЕТЛАБ ЎТИЛМАДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Журналистлар ижодий уюшмаси қoшидаги Ёш журналистлар кенгаши ҳамда "Yoshlar ovozi" ва "Молодежь Узбекистана" газеталари тахририяти томонидан матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар, Ёш журналистлар кенгаши аъзолари ҳамда марказий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Бугун барча соҳалар каби журналистика ривожига ҳам катта эътибор қаратилмоқда, — деди Ёш журналистлар кенгаши раиси, "Yoshlar ovozi" ва "Молодежь Узбекистана" газеталари бош муҳаррири Фахриддин Каримов. — Биринчи масъулиятини ҳар бунинг ҳис этмоғимиз керак. Шу нуқтаи назардан, кенгаш ишини қайта



кўриб чиқиб, иш режасини келишиб оласак. Сафимизга ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга иштиёқи бор, фаол ёшларни тақлиф этимиз.

Анжуманда журналистика факультетлари ўқитувчилари ҳам сўзга чиқди. Хусусан, ЎзМУ журналистика факультети декани Маҳлиё Мирсоатова журналист кадрлар тайёрлаш жараёнининг ўзига хосликлари ҳақида тўхтади. Жорий йилда ўз фаолиятини бошлаган Ўзбекистон журналистика ва

оммавий коммуникациялар университетининг интернет журналистика ва ижтимоий тармоқлар факультети декани Нозима Муратова эса, янги олийгоҳнинг имкониятлари ҳақида тўхталиб, ўқиш билан бир вақтда амалиётга ҳам катта эътибор қаратилганга урғу берди.

Таҳлилий-танқидий руҳда ўтган йилги давомда миллий журналистикамиздаги муаммо ва камчиликлар муҳокама қилинди. Жўяли тақдирлар уртага ташланди.

Муҳбиримиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ МУТАХАССИСЛАРНИ ХОРИЖДА ТАЙЁРЛАШ ВА ВАТАНДОШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА “ЭЛ-ЮРТ УМИДИ” ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Бошланғичи 1-саҳифада)

7. Белгилаб қўйилсинки: Жамғарманинг молиявий кўмагида хорижда магистратура ва докторантура дастурлари асосида таълим олган, малака оширган, стажировка ўтаган стипендиатлар зиммасига стипендиат билан тузилган шартномада белгилаб берилган шартномада олий таълим муассасаси ёки илмий муассасаси, шунингдек, вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларида ишлаб бериш мажбурияти юклатилади; стипендиат уэрсиз сабабларга кўра хорижий таълим ва илмий муассасаларнинг талаблари сафидан чиқарилганда, малака ошириш, стажировка ўташ, магистратура ва докторантура дастурлари бўйича таълим тугагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек, олий таълим муассасаси ва илмий муассасасида, вазирликлар, идоралар ва бошқа давлат ташкилотларида меҳнат фаолиятини давом эттиришдан бош торганда Жамғарма томонидан стипендиатни ўқитишга сарфланган барча молиявий харажатлар стипендиат томонидан қоплаб берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази хорижда таълим олиш, малака ошириш ва стажировка ўташ учун номзодларни танлов асосида танлаб олишни ташкил этишда Жамғармага ҳар томонлама услубий ёрдам кўрсатсин.

9. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Жамғарма йўналиши бўйича хорижий мамлакатларда таълим олган, шу жумладан, фан доктори илмий даражасини олган стипендиатларнинг таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларини махсус синоваларсиз нострификациядан ўтказишни (эквивалентлигини белгилашни) таъминласин.

10. Жамғарма харажатларини молиялаштириш манбаларини этиб қўйидагилар белгилансин: а) стипендиатларни хорижий таълим ва илмий муассасаларида ўқитишни, уларнинг малака-

сини оширишни ва стажировка ўташини ташкил этиш, хорижий мутахассисларни, шу жумладан, ватандошларимизни республикада меҳнат фаолиятини амалга оширишга жалб этиш бўйича;

2018 йилда – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармасида олий таълим муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун кўзда тутилган ҳажмининг 10 фоизигача миқдорда Жамғарманинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ажратилмаган маблағлар;

2019 йилдан бошлаб – кейинчалик тегишли йилдаги истеъмол нархларининг прогноз индексига тенг коэффициентни кўлга олиш ҳолда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган 45 миллиард сўм миқдордаги маблағлар;

тегишли йилда Жамғармага ажратиладиган бюджет маблағлари умумий суммасининг 5 фоизи миқдорда республика олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари (оширилган шартнома ставкалари бўйича тулов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган) маблағларидан ажратмалар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари; халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар;

б) Жамғарманинг жорий таъминоти, шу жумладан, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ва Жамғармага юклатилган вазифаларни бажариш бўйича;

2018 йилда – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Жамғарманинг Вазирлик кенгаши томонидан белгиланадиган миқдорда республика олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари (тулов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган) маблағларидан ажратмалар; 2019 йилдан бошлаб – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлари;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушуллар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан таққиланмаган бошқа манбалар.

Республика олий таълим муассасалари рўйхати ва бюджетдан ташқари (оширилган шартнома ставкалари бўйича тулов-шартнома асосида ўқитишдан тушадиган) маблағлардан Жамғармага ажратмалар суммаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда Жамғарманинг Вазирлик кенгаши томонидан тасдиқланади.

11. Жамғарма 2022 йил 1 январга қадар давлат мақсади жамғармаларига солиқ ва мажбурий туловлардан озод қилинсин.

12. Жамғармага туртта энгил автотранспорт воситаси, шу жумладан, учта шахсий ва битта навбатчи автомобил сақлаш учун лимит ажратилсин.

13. “Ўзавтосаноат” АЖ ва Жамғарманинг Жамғармани “Ўзавтосаноат” АЖнинг Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 13-уй (3-қават) манзилида жойлашган биносидан бегараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштириш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 171-уй манзилида жойлашган Хорижда стипендиатларнинг малака ошириш, стажировкаси ва ўқинишни ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармасининг бўшаётган бино ва иншоотларини туташ ҳудудлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бегараз бериш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига лойиҳа-тадқиқот ишларини амалга ошириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шунингдек, берилган

бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ва реконструкция қилишни амалга ошириш учун Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Туризм соҳасини кўллаб-қувватлаш бюджетдан ташқари жамғармасининг маблағларидан фойдаланишга рухсат берилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги Жамғармага:

ватандошлар ва хорижий мутахассислар билан алоқаларни йўлга қўйишда;

стипендиатлар хорижий мамлакатларга виза олиши, консуллик ҳисобига қўйилишида, нотариал ва бошқа хизматлар кўрсатилишида, борган давлатида стипендиатларнинг ўқиши, малака ошириши ва стажировка ўташини мониторинг қилишда;

чет элдан ишга таклиф этилаётган хорижий мутахассисларнинг виза олишида; хориждаги ватандошларнинг ташкилотлари, хорижий давлатларда фаолият юритаётган ўзбек маданий марказлари ва жамиятлари тўғрисидаги ахборотларни тўплашда, шунингдек, халқаро ташкилотлар, хорижий илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги белгиланган тартибда:

Жамғармани керакли алоқа, шу жумладан, ҳукумат алоқаси билан, унинг интернет жаҳон ахборот тармоғидан кенг поласоли фойдаланишини таъминласин; ватандошларнинг электрон рестри (маълумотлар базасини яратиш ва юритиш, шунингдек, хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда видеоконференциялар, интернет-форумлар ва

телекўприклар ўтказишда зарур техник ёрдам кўрсатсин.

16. Ўзбекистон Миллий телекомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва “Дунё” ахборот агентлиги Жамғарма фаолияти доирасида амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

17. Жамғарма икки ҳафта муддатда хориждаги ватандошлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда хорижий мутахассислар, шу жумладан, ватандошларимизни Ўзбекистон Республикасига жалб этиш тартибини ишлаб чиқсин ва Жамғарманинг Вазирлик кенгашига қўриб чиқиш учун киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5121-сон Фармони, унинг 3-банди олтинчи хатбоши ва 5-иловасини иқтисот этган ҳолда, ўз кўчининг йўқлигини деб топилсин.

19. Адлия вазирлиги бошқа мафратдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига маъзур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомидинов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувоҳитов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 25 сентябрь

DOLZARB MAVZU

МАДАНИЯТИМИЗ ШУМИ?!

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида маданий меросимизни сақлаш борасида йўл қўйилаётган камчиликлар муҳокама қилинди. Таъқилланганидек, давлат муҳофазасига олинган объектларнинг 5 минг 748 таси ёки 77 фоизда кадастр ҳужжати мавжуд эмас. Яна тахминан шунчаи ҳақида маълумот давлат кадастрлари ягона электрон тизимига киритилмаган.

— Кўп ҳолларда қурилиш учун ер майдонларини ажратишда ёлғорликлар муҳофазаси ҳисобга олинмаётгани асосий муаммомиз бўлиб қолмоқда, — дейди Маданият вазир Бахтиёр Сайфуллаев.

— Масалан, Бухоро шаҳридаги Абдулазизов мадрасаси яқинида ер қазини ишлари олиб борилиши оқибатида тарихий ёлғорлик деворининг бир қисми кулаб тушган. Шунингдек, Андижон вилояти Марҳамат туманидаги “Минг тепа” ёлғорлиги ҳудудида ноқонуний равишда шахсий уй-жой қурилган. Янада ачинарлиси, дунёга машҳур Самарқанд шаҳридаги “Афросиёб” дек қўна археологик ёлғорлик аҳоли томонидан

чиқиндилар билан тўлдириб юборилмоқда. Яқиндагина у ердан 500 тонна чиқинди олиб кетилади. Бундан уяласан, киши.

Сўнгги икки йил ичида маданий мерос объектларига жиддий зарар етказиш билан боғлиқ жами ўн тўрт ҳолат қайд этилган. Вазирнинг бу даражага етишига, бир томондан, соҳадаги раҳбар кадрларнинг лоқайдлиги, иккинчи томондан, масъулиятли лавозимлар номуахассислар қўлига топширилаётгани сабаб бўлмоқда. Йилги яқинида мавжуд муаммолар юзасидан тезкор чоралар қўришга келишиб олинди.

Мухбиримиз

ENTIROM

РОМАНЛАРИ СЕВИБ ЎҚИЛАДИ



Ҳасан УСМОНОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Маданият вазирлиги ҳамкорлигида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 98 йиллиги муносабати билан адаб ижодида бағишланган фотокўргазма ва адабий-бадиий хотира кечаси ўтказилди. Унда адабиёт ихлосмандлари, ижодкорлар ҳамда талаба-ёшлар қатнашди. Сўзга чиққанлар Саид Аҳ-

маднинг адабий мероси ҳақида илқ фикрлар билдирди. “Уфқ”, “Жимжитлик”, “Қорақўз мажнун”, “Қирқ беш кун”, “Лочин”, “Чул бургути” ва бошқа кўллаб асарлари ҳозир ҳам китобхонлар томонидан севиб ўқилаётгани таъқилланди.

Тадбир давомида ёзувчи ижодида бағишланган видео-ролик ва саҳна кўринишлари намойиш этилди.

JARAYON

ЯНГИ КОДЕКС ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

Аҳҳам ЖўРАЕВ

Президентимизнинг “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоаялар ва технологияларни кўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги фармонида миллий сайлов тизимини ислоҳ қилиш юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган эди.

Шу аснода етук ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар томонидан Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Сайлаш ва сайланиш. Бир қарашда оддий туюлган бу икки туюнча замирида инсон тақдирини, қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари мужассам. Ҳар қайси халқ ўз истиқболини белгилашда, аввало, очик-ошкорлик тамойили асосида ўтадиган сайловларга таянади. Юртимизда мазкур йўналишда изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Янги кодекс лойиҳаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Кўни кеча Шайхонтоҳур туманида ҳудуд фаолияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда

сиёсий партиялар масъуллари иштирокида ҳужжат муҳокамасига бағишланган йилги иш бўлиб ўтди.

Қайд этилганидек, Сайлов кодекси лойиҳаси 2 ким, 18 боб ва 100 моддадан иборат. Уни тайёрлаш жараёнида йигирмага яқин давлатнинг тажрибаси кўнт билан ўрганилди.

Тадбир давомида туман ҳокими Ш.Мухамедонов, Халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси раиси Ш.Муталов, “Оби-назир” маҳалла фуқаролар йиғини раиси А.Абдуллаев, Халқ депутатлари Шайхонтоҳур тумани Кенгаши депутати Г.Арифжонов сўзга чиқиб, мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

BELLASHUV

ЭПЧИЛ БЎЛСАНГ, МАРРА СЕНИКИ!

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташаббуси билан юртимиз бўйлаб спорт ҳафталиклари ўтказилмоқда

Дилқушо НАВРЎЗОВА, Аҳҳор СОДИҚОВ



Лойиҳа доирасида Навоий вилоятида шахмат, шашка, мини футбол, кросс ва эстафета югуриш,

стол тенниси, сузиш каби спортнинг йигирмадан ортиқ тури бўйича мусобақалар ташкил этиш кўзда



тўтилган. Уларга асосан ҳуқуқ-тарғибот идоралари ҳамда ҳарбий қисмларда хизмат қилаётган ёшлар жалб қилинган.

Кўни кеча Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида минн футбол баҳслари бўлиб ўтди. Яшил май-донда ўн бешта жамоа голиблик учун кураш олиб борди.

Бир неча ҳарбий қисмларда бўлиб ўтган мусобақалар доирасида эса, тендошларимиз нафақат футбол, балки шахмат, сузиш, стол тенниси ва армрестлинг бобидаги маҳоратини синовдан ўтказди.

Қашқадарёдаги спорт ҳафталиги югуриш маррафонидан бошланди. Мусобақа Қарши шаҳридаги “Шайх Али” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилди.

Марафонда маҳалла ёшлари билан бир қаторда Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган йигитлар ҳам иштирок этиди. Финиш чизигига биринчилардан бўлиб етиб келган ёшларга Иттифокнинг вилоят кенгаши ва ҳарбий қисм кўмондонлиги томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

ESHITDINGIZMI?

КўНГИЛЛИЛАР ГУРУҲИ ТУЗИЛДИ

Сожида САПАЕВА

Ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан ОИВ инфекцияси профилактикасига бағишланган ўқув-семинари ташкил этилди. Унда пойтахт туманларидан сараланган 104 нафар йигит-қиз иштирок этди.

Машғулотлар давомида

ёшларга ОИВ инфекцияси профилактикаси борасида қилинаётган ишлар, мазкур иллат ҳақида аҳолига тўғри ва тўлиқ маълумот етказиш заруриги тушунирилди. Президентимизнинг 2018 йил 25 январдаги “Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитетини таққислиги вирус келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши

курашни тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қароридан белгиланган вазифалар ижроси ҳақида ҳам сўз юритилди.

Яқинда кўнгилли тарғиботчиларга сертификатлар топширилди. Энди улар тасдиқланган ягона режа асосида барча таълим муассасаларида ўз миссиясини олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази “Оиланинг ижтимоий-демографик муаммолари” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказди. Унда оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга таъсир этувчи омиллар, шунингдек, никоҳ ва ажримлар динамикаси ҳудудлар кесимида таҳлил қилинди.

НИКОҲ ВА АЖРИМЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Т.БҲУТҲУБОВА

Аниқланишича, юртимизда оила институтининг ривожланишига тўққинлик қилувчи омиллар ҳамда ажримлар сонининг кўпайиши сабабларини илмий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган. Мазкур ҳолатга барҳам

бериш мақсадида оила мустаҳкамлигини белгиловчи ҳамда демографик индикаторлар ўрганилиб, турли муаммоларнинг ҳудудлар учун долзарблик матрицаси ишлаб чиқилди. Қолаверса, аёллар бандлиги кўрсаткичлари-

ни вилоятлар ва иқтисодиёт тармоқлари кесимида таҳлил қилиш бўйича кўрсаткичлар аниқланди.

Бундан ташқари, айни вақтда “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан “Оилавий дам олиш ва болаларни соғломлаштиришни давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги, “Оналик билан боғлиқ вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик ҳолати ва ўлим ҳолатини мажбурий ижтимоий сугурталаш тўғрисида”ги, “Ишсизликдан ижтимоий сугурталаш тўғрисида”ги қонунлар ҳамда мамлакатимизнинг демографик ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш таклиф қилинмоқда.

Анжуман давомида иштирокчилар оила институтининг демографик ҳақида ҳам атрофлича фикр юритди.

KUN MAVZUSI

“ICTWEEK UZBEKISTAN - 2018”:

рақамли эртағамиз сари яна бир қадам



Сарвиноз МАМАНОВА

Юртимизда Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги — “ICTWEEK Uzbekistan – 2018”га старт берилди. Унинг асосий воқеалари 29 сентябрга қадар Тошкент ва Жиззах шаҳарларида бўлиб ўтади.

Жумладан, Жиззах илк маротаба “31” (Investment. Innovation. Informatization) форумига мезбонлик қилиши кутилмоқда. Мазкур йирик анжуман ҳудуднинг сармоявий, инновацион ҳамда ахборотлаштириш соҳаларидаги салоҳиятини очиб беришга қаратилган.

“ICTWEEK” кундалигидан ёшлар учун қизиқарли лойиҳалар ҳам ўрин олган. Масалан, кеча “Болалар учун ахборот технологиялари” акцияси ўтказилиб, унинг доирасида вилоят марказидаги Ҳамид Олимжон номидаги мактаб-интернати, Шароф Рашидов туманидаги 17- ҳамда Фориш туманидаги 72-умумтаълим мактабларида замонавий компьютер синфлари фойдаланишга топширилди. Ҳар қайси синф ўнга компьютер, кўп функцияли қуралма ва проектор билан жиҳозланган.



Бундан ташқари, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси томонидан оптик толали бепул интернет хизмати билан ҳам таъминланди.

— Адабиёт ва ёш ижодкорларга эътибор бизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган, — дей-

ди Ҳамид Олимжон номидаги мактаб-интернат директори ўринбосари Маъмура Юсупова. — Яқиндагина очилган таълим даргоҳимиз бунга ёрқин мисолдир. Аини пайтда бу ерда 147 нафар иқтидор соҳиб тахсил олмақда. Албатта, улар бугунги кун талабига мос билим олиши учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллаши даркор. Шу нуқтаи назардан, янги компьютер синфининг очилиши ҳақидаги хушxabарни катта мамнуният билан қарши олдик. Бу ўқувчилар учун жуда катта имкониятдир.

Ҳафталик баҳонасида Ўзбекистоннинг рақамли эртасига бефарқ бўлмаган талабалар бир даврага бирлашиб, юртимизда қабул қилинган “Инновацион ривожланиш стратегияси”ни рубёга чиқаришга қандай ҳисса қўша олишини муҳокама қилди.

Шу кунларда Жиззах шаҳрида “ICTEXPO – 2018” курғазмаси ҳам бўлиб ўтмоқда. Унда қирқдан ортиқ IT компания – бир қисми “Жиззах” эркин иқтисодий зонаси резидентлари – ўз маҳсулотларини тақдим этган. Экспозиция бугун ўз ишини якунлайди.

BUGUNNING GAPI

ЎҚИТУВЧИЛИК КАСБИ машаққатли меҳнат туфайли шарафлидир

Барно БОЙҚОБИЛОВА,
Самарқанда шаҳридаги 58-умумтаълим мактаби директори

Ҳар қандай тузум ҳам устоз ва мураббийлар олдида катта талаблар қўйган. Чунки таълим соҳаси вакиллари жамият келажиги бўлмиш ёш авлодни тарбиялайди, уларни эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар сифатида камолга етказди.



Бугун юртимизда ўқитувчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликни эътироф этмасликнинг иложи йўқ. Меҳнатимизни қадрлаш ва рағбатлантириш масаласи алоҳида диққат-эътиборда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан миллий таълим тизимида янги босқич бошланган, десак асло муболага бўлмас. Педагог кадрларнинг ойлик маошлари мунтазам оширилди. Энди ўқитувчи имтиёзи кредит асосида уй ёки машина сотиб олиши мумкин. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизи-

мини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам олдимизда кенг имкониятлар эшигини очгани билан аҳамиятлидир. Мана шундай шароитда билимимизни янада ошириб, юксак маънавиятга, ҳаётининг ўзига хос қадриятларига эга бўлган фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш ишига сизқилидан бел боғлашимиз зарур. Ҳар ким ҳам ўқитувчи бўла олмаслигини кўпгина илмий тадқиқотлар, қолаверса, ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Ўқитувчилик касбини эгаллаш учун қийинчиликлар, муайян ижтимоий-психологик малака ва тайёргарлик бўлиши лозим. Демак, педагогика соҳасига

ҳавас инсонда болаликдан уйғотилса-да, унинг талабларини мураккабликлари ҳақида доимо ўқитиб бориш лозим. Бугун тараққиётнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Ахборот оқими ниҳоятда кучайган, илм-фан тармоқларида қўнғун-қўнғинлар руи бермоқда, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий соҳаларда ҳам анчайин сезиларли ўзгаришларни кузатишимиз. Бундай вазиятда ҳар бир кишидан фаоллик, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга теран назар солиб, ҳолисона муносабат билдиришни талаб этади. Ахборот олиш имкониятлари тобора кенгайётганини ҳисобга олсак, ўқитувчи ўзи устидан тинмай

ишлаб, мунтазам равишда ривожланиб бориши лозимлиги ўз-ўзидан аёнлашади. Акс ҳолда, у янгиликка ўч, турли-туман имкониятлардан бемалол фойдаланаётган ёшлар талабига жавоб беролмай, алаҳ-оқибатда, жамиятда обрў-эътиборини йўқотиши мумкин.

Афсуски, олий таълим муассасида олган билими билан чекланаётган, тафаккур донери дарсликлардан нарига ўтмайди, янгиликларга бефарқ, ўзи устидан ишламайдиган ўқитувчилар ҳам орамизда йўқ эмас. Уларнинг сафини қисқартириш долзарб масала, албатта.

Ўқитувчининг савияси унинг педагогик маҳорати орқали юзага чиқади. Шундай экан, биз замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини дарс жараёнига кенг татбиқ этишга интилишимиз зарур. Таълим олувчиларга ўз фикрини мустақил баён этишга имконият яратиш ҳам аини мудао.

Педагогик амалиётнинг самарадорлиги ўқитувчи дарс бераётган таълим даргоҳининг салоҳиятига ҳам бевосита боғлиқ. Малакали, тажрибали устозлар фаолият кўрсатаётган, замонавий техник ва бошқа воситалар билан жиҳозланган билим юртида ишлаш ўқитувчи учун муҳим босқич саналади.

Ўқитувчининг нуқт маданияти ҳам юқори даражада бўлиши ва у жамиятнинг зийли вакили сифатида оммавий ахборот воситалари — газета ва журналларни мунтазам муролаа қилиши, интернет сайтларини кузатиб бориши, радио тинглаши ва телекўрсатувлардан хабардор бўлиши зарур. Шу аснода педагог давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим ўзгаришларни тезда илғайди, ислохотларнинг мазмун-моҳиятини англайди ва уларни ўқувчиларига тўғри етказиб бера олади.

Устоз, мураббий оиласида тутган ўрни билан ҳам элга намуна кўрсатмоғи даркор. Ишончим комилки, шунда унинг маъқеи нафақат ҳамкасблари, балки жамоатчилик наздида ҳам юксалади.

SENING TENGDOSHING

ИННОВАЦИОН, МУҲИМИ, ЎЗИМИЗНИКИ

Мадинабону ҲАМРОЕВА

Учтепа туманидаги хорижий тиллар ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ўқувчиси Нафосат Зарипбоева жорий йилда “Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси” I республика танловида голиб бўлди. Нуфузли беллашувда у мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига хорижий тиллар, жумладан, рус, инглиз ва араб тилларини самарали ўқитишга доир ишланмаси билан қатнашганди.



Нафосатда тил ўрганишга иштиёқ жуда эрта — саккиз ёшда уйғонди. Ўқитувчилар оиласида тарбиялангани боис, рус, инглиз, араб тилларини бемалол ўзлаштира олди. Қирқ йил мактабда ишлаган бувиси, бошланғич синф ўқитувчиси Бону ая Комилова неварасидаги интилишини кўриб, гоят қувонар, ёрдам бўлиши учун турли ўқув адабиётларини етказиб турарди. — Чет тилни ўрганиш ҳам, ўргатиш ҳам осон эмас, — дейди Нафосат. — Лекин замон талаби шу — тил билган тезроқ юксалади. Болаларга чет тилларини энгилроқ усулда, менталитетимизга мос дастур ҳамда дарсликлар асосида ўргатиш иштиёқи шу йўналишда илмий фаолият бошлашимга туртки берди. Устозим кўмаги билан янги дастурни яратди бошладим.

Нафосатнинг инновацион лойиҳасида бола психологияси алоҳида инобатга олинган. Богча ёшидаги ўғил-қизлар ўқишни билмайди, балки кўрган ва эшитганини эслаб қолади.

Шу нуқтаи назардан, уларга хорижий тилларни мультфильм, ашула, рақс ва ўйинлар асосида ўргатган маъқул. Миллийликка ҳам ургу бериш керак. Масалан, “Менинг оилам” (“My family”) мавзуси ўтилганда, оила аъзолари ҳақида маълумот берилди: “Оиламизнинг энг ёши улуги аъзолари — бобом билан бувим. Биз уларни ҳурмат қиламиз. Чақирсалар “лаббай”, иш буюрсалар “хўп бўлади” деймиз” қабилида ўзбекона лутф ва одоб қондалари ўқитилади. Эътиборлиси, қаҳрамонимизнинг ўқув дастури сентябрдан бошлаб хорижий тилларни ўрганишга ихтисослашган махсус боғчаларда қўлланила бошланди.

Тил билган эл танийди, деганлари рости. Нафосат Зарипбоева ўтган йили Токиодоги эсселар танловида, Москва ва Челябинск шаҳарларида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этади. Шунингдек, Ереван ва Остона шаҳарларида ўтган халқаро анжуманлардаги маърузалари мутахассислар томо-

нидан юқори баҳоланди. Бундан ташқари, тиниб-тинчимас тенгдошимизнинг “Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари нутқини ўстириш”, “Қизиқарли алифбо”, “Инглиз тилида услубий қўланма”, “Шарқ алломалари”, “Араб имлосининг бошланғич фонетикаси” деб номланган қўланмалари чоп этилган.

Нафосат жамоат ишларида ҳам фаол. Ўзи таълим олаётган мактабда Ёшлар иттифоқининг ижтимоий йўналиш бўйича сардор этиб сайланган. Ўтган йили Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Қаҳрамонимиз эндигина ўн олти баҳорини қаршилаганига қарамай, ҳаётнинг ҳар лаҳзасини ғанимат билади. “Орзуларим бисёр, — дейди у. — Баъзан руҳшунос, баъзан спортчи бўлигим келади. Лекин ўқитувчилик барибир қалбимга яқин”.

Орзуларингизга биз ҳам йўлдош, Нафосат! Қайси касбини танламанг, Ватанимиз учун керакли инсон бўлишингизга умидворимиз.

TASHABBUS

ИМКОНИАТ ҲАҚИДА СЎЗ

Ғайрат САТТОПОВ

Самарқанд вилояти божхона бошқармасида Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун қабул қилинганга икки йил тўлиши муносабати билан “Ёшлар ва қонун” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Толибжон Эшмонов, Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши бўлими муdiri Юнусжон Исомиддинов, Иттифоқнинг бошқармадаги бошланғич ташкилоти етакчи ва фаоллари иштирок этади.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш замирида ташаббускор ҳамда шижоатли йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдек эзгу мақсадлар мужассам эканини таъкидланди. Шунингдек, ёш божхоначиларга яратилиб берилган имкониятлар ҳақида маълумот берилди.

Учрашув сўнгига ёшлар ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олди.



Равшана ҚҮРЯЗОВА

Урғачи шаҳридаги Ёшлар марказида хоразмлик бунёдкор фаол йигит-қизлар ватанимиз давруғини халқаро аренада танитаётган спорт устаслари билан учрашди.

ЧЕМПИОНЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Тадбир Ёшлар иттифоқининг Хоразм вилояти кенгаши ҳамда ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида ташкил қилиниб, “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун тарғиботига қаратилди.


Ёшлар билан очик мулоқотга “Мард ўғлон” Давлат мукофоти совриндори, халқаро тоифадаги спорт устаси Зафарбек Алаберга-

нов ҳамда жорий йилда Индонезияда ўтказилган XVIII Осиё ўйинлари совриндори Исроил Мадримов тақдир қилинди. Меҳмонлар спортнинг инсон ҳаётида тутган ўрни, баркамол шахс тарбияси, инчунин, ёшларни ватанпарварлик руҳида камол топтиришдаги аҳамияти хусусида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди. Қизгин суҳбат жараёнида ёшларни спортга кенг

жалб этиш борасида юртимизда қилинаётган амалий ишлар хусусида ҳам сўз юритилди. Яқунда самбо, бокс каби спорт турлари билан мунтазам равишда шугулланиб келаётган ҳаваскор тенгдошларимиз, шунингдек, ички ишлар органлари профилактик ҳисобда турган вояга етмаган ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар билан чемпи-онларга муурожаат этади.

SIZ NIMA DEYSIZ?

Buvim bilan ko'p suhbatlashamiz. U kishi menga hayotiy tajribasi, ko'rgan-eshitganlari haqida gapirib beradi. Bobomni doimo iliq so'zlar bilan xotirlaydi. — Bobong uyga sira quruq qo'l bilan kelmasdi, — deydi buvim. — Hamma narsa yetarli bo'lsa-da, bolalarga qand-qursmi, hech bo'lmaganda, non olib kelardi. Ro'zg'orga kerakli narsalarni ortig'i bilan g'amlab qo'yardi. Ilohim, sizlar ham shunday oilaparvar bo'linglar.

Er kishi *ertani o'ylasin*

Shohrux IBODULLAYEV

Tengqurlarimning ko'pchiligi bo'ydoq. Ba'zilariga qarab o'ylanib qolaman: hadeb choyxonada ufatchilik qilib o'tirishdan charchamasmikan? Undan ko'ra ro'zg'orga qarashsa bo'larmidi. Do'star bilan diydorlashib turish yaxshi, albatta. Ammo har narsada me'yor bo'lgani ma'qul. To'y yoki o'tirishlardan

qaytayotib ayrim yigitlar spirtli ichimlik "dozasi" yetmay qolgani, bazmni choyxonada yoki biron restoran-kafeida davom ettirish zarurligini uqtiradi. Kimdir shuncha rozi ham bo'lib, "charchoqni yozish"ga oshiqadi...
Eh, yigitlar, yigitlar, hayot faqat huzur-halovat, o'yin-kulgudan iborat emas-ku! Topganini ko'kka sovurish er kishiga yarashmaydi. Ertani o'ylamay qilingan ishning

oxiri voy, axir! Chunki inson hayoti davomida hali ko'p narsalarni o'rganadi. Ehtimol, bilim olish, tajriba orttirish uchun chet elga chiqishga to'g'ri kelar. Tag'in uy-joy qilishga kerak. Yana jon-jigarlarning yordamiga muhtoj bo'lib qolishi bor. Shuning uchun mablag'ni iqtisod qilib, undan oqilona foydalana olish ayni muddao. Xulosa shuki, erkak oilaparvar bo'lgani yaxshi. Siz nima deysiz, tengdoshim?


KITOB JAVONINGIZGA

Qabohatga chulg'angan sokinlik

Hasan USMONOV

Inson hayotda erishgan yutuqlarini to'satdan qo'ldan boy berganida og'ir dardga muhtalo bo'lib qolar ekan. O'shanda jimjitlik hukm surguvchi kimsasiz makonga bosh olib ketgisi keladi.

Tolibjon ham xuddi shu holatga tushgandi. Hozir musibatlarini ortda qolgan. Ammo ularni xotirlasa xuddi alanga ichida yonayotgandek his etadi o'zini. Said Ahmadning qalamiga mansub "Jimjitlik" romani ana shunday ruhiy ziddiyatlar tasviri bilan boshlanadi. Personajlar ichki olamidagi to'qnashuvlar asar syujeti markazidan o'rin olgan.



Tolibjon bolaligi o'tgan Yetimqishloqqa qaytib keldi. Purviqor tog'lar, musaffo osmon va unda suzib yuruvchi oppoq butlular, jilvakor soylarni judayam sog'ingandi. Axir, bir vaqtlar faqat shular bilan sirlashardi-da. Endi bu joylar avvalgidek emas. "Cho'qqilar jilvasiga ko'p mahliyo bo'laverna, bolam. Bu tog'da qashqirlar bor..." —

deyladi asarda.

"Jimjitlik" da bir-biriga ulanib ketuvchi voqealar ko'p. Yozuvchi asar qahramonlarini shunday tasvirlaydiki, o'quvchi beixiyor ularning taqdiriga qiziq boshlaydi. Voqealar rivojini tezroq bilgisi keladi. Tolibjon bilan bolalikdan birga o'sgan Mirvalining qilmishi asar davomida fosh bo'la boshlaydi. Atrof sokin-u, ammo bitta xushloq ichida sodir bo'layotgan ajib ishlar hammani qo'rquvga solgan.

Odami boyigani sari ziqna bo'lib borar ekan. Maqsadiga erishish uchun hatto yaqinlariga ozor yetkazishdan tap tortmaydi. Xalq qarq'ishiga uchragan insonning kosasi hech qachon oqarmaydi. Bil'aks, hayoti fojia bilan tugaydi.

"O'n yil avval xizmat safariga ketmaganimda, do'stim Mirvalini, albatta, yovuzlikdan asrab qolgan bo'lardim", degan o'y Tolibjonga sira tinchlik bema'yd. Atsunki, qabohat do'stining qalbin allaqachon chulg'ab olgandi. Endi vaziyatni o'zgartirish kech.

"Belindagi pichog'ingni, mingan otingni, nikohingdagi xotiningni birovga ishonma, bolam..." Bu nasihat Mirvaliga tanish bo'lsa-da, biroq azbaroyi nafsiga berilganidan unga amal qilmadi. Pirovardida o'z boshini o'zi yedi.

"Jimjitlik" romanini, albatta, o'qib chiqing. Asar mutolasi jarayonida halollik insonni ulug'lovchi sifat ekanini yana bir karra anglaysiz.

Bo'sag'a — turkiy xalqlarda, jumladan, qoraqalpqlarda o'tovning kirish joyi (ostonasi). Kelin kuyovning yoki kuyov kelinning uyiga ilk marotaba qadam qo'yayotganda o'tov ostonasiga ta'zim qiladi. Mayitni o'tovdan olib chiqishda ham boshi uch marta ostonaga tegizib olinadi. Tug'ilgan chaqaloqning kindigi va yo'ldoshi ostonaga tagiga ko'milgan. O'tovni o'rnatish ham ostonadan boshlangan.

ENSIKLOPEDIK MA'LUMOT

PSIXOLOG MASLAHATI

— Ko'p yildan buyon bir loyihada ustida ishlab kelayotgandim. Ammo u muvaffaqiyatsizlikka uchradi. Shu-shu o'zimga ishonchim pasaydi. Endi hech qaysi ishga qo'l urolmayapman. Boshim qotgan. Maslahat bering, nima qilay?

Akrom ISMOILOV
Toshkent viloyati

Savolga ruhshunos Nilufar ASQAROVA javob beradi:

— Ongdagi jarayonlar hayotimizga ham ta'sir ko'rsatadi. Inson ko'pincha ichki ziddiyatlar tufayli maqsadiga yeta olmaydi. Qizig'i, bunga e'tibor bermaymiz yoki payqamaymiz. Shu tufayli, avvalambor, ichki qarama-qarshiliklarni yengishga harakat qiling. Quyidagi qoidalarga rioya

qilishni ham maslahat beraman.
"Bajara olmasam-chi", degan hadikdan qutulung. Bunday o'y-fikr sizni sira cho'chitmasin! Mashhur tadbirkor Ilon Mask shunday degan edi: "Agar muvaffaqiyatsizlikka uchramayotgan bo'lsangiz, bilingki, yangiliklarni kashf etmayapsiz!"

"Vaqtin yo'q", deya bahona qilmang. Izlagan imkon topadi. Odamlar nima de-yishiga ishingiz bo'lmasin. Hadeb boshqalarning yo'rig'iga yursangiz, istalgan natijaga hech qachon erisha olmasiz. Ichki qo'rquvni yo'qoting. Shunda omad sizga, albatta, kulib boqadi.

YOSHLIK ILHOMI

Rahmat BOBOJON

Metroda

"Iltimos, yosh bolali, nogiron va yoshi katta yo'lovchilarga joy bering!"

Qishloqdan kelgan kekka otaxon miyig'ida jilmayib: "Hayriyat-ey, hech bo'lmaganda yer ostida oqibat bor ekan-ku!" — dedi.

"20.. yildan so'ng"

Shahardan kelgan maktub: "... Odami bo'lishimga oz qoldi, ona!"

Suhbat

— Qalay, ko'rishdingmi, tuzukmikan? — dedi qiz uchrashuvdan kelgan dugonasining mamnun chehrasiga boqib.
— Ha, yomon emas: uyi, mashinasi, xullas, hamma narsasi bor.
— Vijdoni-chi?
— ...

BILASIZMI?



Odamlarni:

— avtotransport vositasi (bortli yuk yoki furgon-yukxonali avtomobillar bundan mustasno)kabinasidan tashqarida;
— traktorlar va boshqa o'ziyurar mashinalar, yuk tashiladigan tirkamalar, tirkama-uycha, yuk mototsikllari yukxonasida;
— mototsikl konstruksiyasida ko'zda tutilgan joylardan tashqarida;
— 12 yoshga to'lmagan bolalarni mototsiklning orqa o'ringidagi, shuningdek, yengil avtomobilga bolalarni ushlab turuvchi maxsus qurilma o'rnatilmagan bo'lsa, uning oldingi o'ringidagi tashish taqiqlanadi.

Manba: Adliya vazirligining Huquqiy axborot kanali

1 SAVOLGA 1 JAVOB

— Qo'shning kuchugi yosh bolani tishlab oldi. Bu birinchi holat emas. Shunday paytda itning egasi javobgarlikka tortiladimi?

Gulnora RUSTAMOVA
Olmalig shahri

Savolga huquqshunos Zulayho HAFIZOVA javob beradi:

— Itlarni ko'chaga olib chiqayotganda tumshug'iga bog'ich solish va aholi yashash joylaridan uzoqroq hududda sayr qildirish kerak. Mazkur qoidaga amal qilmagan shaxslar O'zbekiston Respublikasining Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksining 110-moddasiga asosan jarimaga tortiladi. Xususan, shaharlar va boshqa aholi

punktlarida it hamda mushuk boqishning qoidalarini buzish fuqarolarga eng kam ish haqining o'ndan bir qismidan ikkidan bir qismigacha miqdorda jarima solishga sabab bo'ladi. Xuddi shunday huquqbuzarlik fuqarolarning sog'lig'i yoki mol-mulkiga zarar yetishiga olib kelsa, eng kam ish haqining ikkidan bir qismidan bir baravarigacha miqdorda jarima solinadi.

O'SMIRDAN OQ DEVOR QILGANDA NOLA, QORA ASFALTNI HAM GULLATGAY BOLA!



She'r-kasbiy muallifi: Jahongir MIRZO.

Kamon bilan o'q

Abdulla RUSTAMOV

SABOQ

Bir kuni o'q kamonga qarab: — Ey kamon, men to'g'riligim tufayli to'g'ri yo'lga kirib, qadr topganman. Hatto osmondagi uchib yurgan qushlarni ham yerga qulatib tushirishga qurbim etadi.

Sen esa, egrisan, men bilan tenglashaman, deb xayolingga ham keltirma. Mening oldimda maqtanishga sira arzimaysan. Bejiz emaski, el orasida "Egri bo'lma kamoni misoli, to'g'rilikni o'qdan o'rganing", degan naql yuradi.

Shunda kamoni ajablanib: — Ey o'q, agar qosh singari egri bo'lmaganimda, sening qadring bir pul bo'lardi. Men borki, qadrlisan, mensiz bir cho'psan, xolos. Men bo'lmasam seni yerga

tashlab yuborishadi. To'g'rilik qomatda emas, diling so'zligida, — debdi.

O'q kamoning bu so'zlaridan mulzam bo'lib qolibdi.

Xulosa: kim kamolotga intilsa, o'zini past tutadi. Otliq ham oxiri yerga tushadi. Ortiqcha maqtanish, kibrlanish hech kimga yaxshilik olib kelmagan. Aksincha, bunday odamlar o'zlarining bor obro'sini ham to'kib qo'yadi. Har kim shundan ogoh bo'lib, o'z qadri-qimmatini saqlagani ma'qul.

O'QING, BU QIZIQ!

✓Yurak inson organizmidagi 75 trillion hujayrani qon bilan ta'minlaydi. Faqat ko'zning ustki pardalari bundan mustasno.
✓Avtomobil 32 kilometr masofani bosib o'tish uchun qancha energiya sarflasa, yurakka ham kunlik faoliyati davomida xuddi shuncha quvvat kerak. Hayotimiz davomida yurak ishlab chiqaradigan energiya Oyga borib kelishga yetadi.
✓Ona qornidagi homilaning yuragi katta odamnikiga qaraganda taxminan ikki baravar tez — daqiqasiga 140 marta uradi.



O'zbekiston Yoshlar ittifoqi Markaziy Kengashi jamoasi bo'lim boshlig'i Furqat Normatovga onasi

Oybahor SHAROPOVAning

vafoti munosabati bilan hamdardlik bildiradi.

MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

Bosh muharrir
Karimov Faxriddin Turdaliyevich

TAHRIIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov, Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiye, Azim Mirzajonov, Nodir Abdugodirov, Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")


Dizayner

Abdullayev Xurshid
O'ktamjonovich

Navbatchi

Akbarjon Abduraimov

"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.



Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida teriladi va saqlanadi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97, (371) 233-79-69 (faks)
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida. A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.
Korxonani manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203

Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-936

Adadi — 11779

Boshlangan topshiriq vaqti — 21.00

Topshirildi — 23.00

O'za yakuni — 22.15

Ofset usulida bosilgan.

1 2 3 4 5